



ГЕОГРАФИЯ XXI АСРДА:

МУАММОЛАР, РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ



РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

САМАРҚАНД - 2017



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ XXI АСРДА: МУАММОЛАР, РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ

Самарқанд, 2017 йил 19-20 май

Самарқанд - 2017

Атмосфера ҳавосига чиқинди чиқарувчи манбаларини назорат қилиш бўлими томонидан йил давомида 364 та чиқинди манбалардан намуна олиниб, 1820 та таҳлил бажарилган. 296 та ЧТУ манбаларининг самарадорлиги аниқланган.

Ҳисобот даврида Самарқанд шаҳри кўрсаткичларига асосан атмосфера ҳавосига чиқинди чиқарадиган манбаларни таҳлилий назорат қилиш сектори МИЗ дастурига киритилган 11 та ташкилотнинг жумладан: Кимё заводи, СамАвто, ЮРУ, Каттакўргон Ёғ-мой экстракция заводи, АО Самарқанд-Дон, Самарқанд аэропорти, Самарқанд ҚМК, АО Алпомиш, Вагонларни таъмирлаш депоси, Жума элеватори, Жомбой-дон ХЖ.

140 та чиқинди манбаларидан намуна олинди ва таҳлил қилинди. 33 та ташкилотнинг (такрорланиш ҳисобига) 140 та чиқинди манбаидан 180 та намуна олинди ва 900 та таҳлил қилинди. Бундан ташқари сектор ходимлари томонидан вилоятдаги 220 та ЧТУ манбаларининг самарадорлиги аниқланди. Шу жумладан: Углерод оксиди-33, азот оксиди-30, чанг-69 ва аммиак-3 та манбалари назорат қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимиздаги ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналар томонидан атмосферага ташлаётган ташланмалар назоратини кучайтириш, белгиланган меъёрларга қатъий амал қилиш қолаверса, атроф-муҳит ифлосланишига лоқайд бўлмаслик инсон саломатлигини таъминлашга туртки бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., 1997.
2. Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси хабарномаси.
3. Израэль Ю.А. Экология и контроль состояния природной среды. -Москва: Гидрометеоиздат, 1984. -555 с.
4. www.ziyounet.uz

Бобоев С.М., Боймуродов Ж., Бурхонов Х. (Самарқанд, СамДУ, СамДАҚИ) КЕРАМИК МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЧАНГЛАРНИНГ МИҚДОРINI АНИҚЛАШ

Керамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш хом ашёсини, асосан гил жинсли тупроқлар ташкил қилади. Гил хоссаларини яхшилаш мақсадида унинг таркибига ёғсизлантирувчи, ёпишма жинс ҳосил қилувчи ва пластиклигини оширувчи қўшимчалар қўшилади. Гил таркибидаги дала шпати магматик ва метафарик тоғ жинсларининг нурашидан ҳосил бўлган маҳсулот бўлиб, бу хом ашёнинг таркиби, асосан, алимосиликатлардан ($Al_2O_3 \cdot 2SiO_2 \cdot 2H_2O$) иборатдир. Гил қазиб олинadиган карьернинг жойлашиш ўрнига қараб бундан ташқари унинг таркибида кварц (SiO_2), карбонатлар, кальций ($CaCO_3$), даломит ($CaCO_3 \cdot MgCO_3$) ва бошқа минераллар, органик моддалар аралашган бўлиши мумкин [1]. Гил таркибидаги оҳак, тупроқ ва бошқа минераллар органик моддалар аралашган бўлиши мумкин. Гил таркибидаги оҳак, тупроқ ва бошқа моддалар майдалаш ва элаклар ёрдамида механик усулда тозаланишда ноорганик чанглар ажралиб чиқади. Экскаватор ишлатишда чанг чиқиши асосан қазиб олинган гил хом ашёсини автотранспортга юклаш пайтида содир бўлади. Чанг ажратиш жараёни куйидаги тенглама бўйича ифодалаш мумкин.

$$Q_1 = P_1 \cdot P_2 \cdot P_3 \cdot P_4 \cdot G \cdot 10^6 / 3600, \text{ г/с,}$$

бу ерда P_1 – материалда чангли фракцияларнинг оғирлик бўйича ҳиссаси. Ўлчамлари $0 \div 200$ мкм бўлган чангли фракцияни элаш ва ювиш йўли билан аниқланади; $P_1 = 0,05$; 1.4.13 – жадвалдан олинади [2]; P_2 – чанг ҳиссаси, яъни аэрозолга айланadиган чангнинг массаси; $P_2 = 0,02$ 1.14.13 жадвалдан олинади [2]; P_3 – экскаваторнинг ишлаш зонасида шамолнинг тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент, 1.4.16 – жадвалдан олинади [2]; $P_3 = 1,0$;

P_4 – материалларнинг намлигини ҳисобга олувчи коэффициент, 1.4.16 – жадвалдан олинади; $P_4 = 0,01$

G – экскаватор ишлов бериладиган жинсининг жами микдори, $G=20$ т / соат, бир суткада 7 соат ишлайди. $G=20 \cdot 7 = 140$ т/сутка.

У ҳолда $Q_1 = 0,05 \cdot 0,02 \cdot 1,0 \cdot 0,01 \cdot 20 \cdot 10^6 / 3600 = 0,055$ г/с

ёки $Q_1 = \frac{0,05 \cdot 1680 \cdot 3600}{10^6} = 0,336$ т / йил.

Гил хом ашё материалларини сақлаш, юклаш ва тушириш жараёнларида чанг чиқарилмалари куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_2 = \frac{L \cdot B \cdot g}{100}, \text{ т / йил}$$

Бу ерда L^1 хом –ёшё материалларининг чанг кўринишида йўқолиши коэффициентини, ўлчамлари 0,5 мм бўлган чангсимон заррачаларнинг ўртача микдори керамик маҳсулотлар аралашмаларининг минерал таркибида 20% ни ташкил қилади, у ҳолда

$$L^1 = 0,20 \%$$

B – хом ашё материалларини сақлаш, юклаш ва туширишдаги жинслар микдори, т /

йил

$$B = (5 \cdot 4 \cdot 12) = 240 \cdot 140 = 33600 \text{ т / йил}$$

g – табиий йўқолиш меъёри, % 14,6 – жадвалдан олинади $d = 0,5 \%$

$$\eta = \left(1 - \frac{g}{100}\right)^d = \left(1 - \frac{0,5}{100}\right)^{0,005}$$

У ҳолда сақлаш омборларидаги чангнинг ташланма микдори

$$Q_2 = \frac{0,20 \cdot 33600 \cdot 0,005}{100} = 0,353 \text{ т / йил}$$

$$Q_2 = \frac{0,353 \cdot 10^6}{1680 \cdot 3600} = 0,058 \text{ г/с}$$

Бункерга тушириш жараёнидаги чанг чиқарилма микдори

$$Q_3 = \frac{0,20 \cdot 33600 \cdot 0,005}{100} = 0,353 \text{ т / йил } 10^2$$

$$Q_3 = \frac{0,353 \cdot 10^2}{1680 \cdot 3600} = 0,058 \text{ г / с}$$

Минерал материалларни тасмали кўчиргич (транспорт) ларда 1 м га кўчирганда чангнинг чиқарилмалари куйидаги формула бўйича аниқланди:

$$Q_4 = W a \gamma, \text{ г/с,}$$

Бу ерда W – чангнинг шамолда ажралиб солиштирма кўрсаткичи,

$$W = 3 \cdot 10^{-3} \text{ кг/м}^2 \cdot \text{с} \text{ қабул қилинади,}$$

a – конвейр тасмасининг кенглиги, a = 0,6 м;

γ – тоғ жинсининг майдаланиш коэффициенти, роторли экскаваторлар учун

$$\gamma = 0,1 \text{ м}$$

Транспортер узунлиги $l = 12$ м

у ҳолда

$$Q_4 = 10^{-3} \cdot 0,6 \cdot 0,1 = 0,00018 \cdot 12 = 0,0022 \text{ г/с}$$

ёки

$$Q_4 = \frac{0,0022 \cdot 1680 \cdot 3600}{10^6} = 0,013 \text{ т / йил}$$

Ажралиб чиққан чанг ташланмаларининг умумий микдори куйидаги тенглама бўйича ифодаланади.

$$\sum Q = Q_1 + (Q_2 + Q_3) + Q_4$$

$$\sum Q = 0,055 + 0,058 + 0,058 + 0,0022 = 0,173 \text{ г / с}$$

ёки $\sum Q = 0,336 + 0,353 + 0,353 + 0,013 = 1,055$ т / йилни ташкил қилади.

Керамик плиталар ишлаб чиқариш учун тайёрланган хом ашё материалларидан ажралиб чиқадиган чанг чиқарилмаларини тозалаш усулларини ва уларни атмосфера хавосига таъсирини камайтириш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Умарова Г.Т. (Тошкент Молия инс-ти). Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш зарурияти	158
Эшбоев Б.Т., Хожимуродова Ш.А. (Қарши, ҚарДУ). Қашқадарё вилояти ирригация инфратузилмасининг шаклланиши ва хўжаликдаги аҳамияти	159
Қурбонова Ш.Н. (Самарқанд, СамДУ). Зарафшон дарёси сув ресурсларининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши	161

III-ШҲҲБА: КАРТОГРАФИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, ЭКОЛОГИК ВА ЛАНДШАФТ КАРТАЛАРИНИ ТУЗИШ, ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАМДА ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМ (ГАТ) ЛАРИДАН ТАЪЛИМ ВА ИЛМҲИЙ-ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ

Ҳолиқулов Ш.Т., Фозилов А.С. (Самарқанд, СамДУ). Тупроқ ресурсларини химоя қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш	164
Никадамбаева Х.Б., Ахатова И.А, Юлдашева Н.Х. (Тошкент, ЎзМУ). Талабанинг ўқув-билиш фаолиятида географик ахборот тизимининг ўрни ва аҳамияти.....	166
Никадамбаева Х.Б., Юлдашева Н. Х., Ахатова И.А. (Тошкент, ЎзМУ). Мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш	168
Алимқулов Н.Р., Султонова Н.Б., Рискибаева М. (Тошкент, ТДПУ). Педагогик технологиялар асосида география дарсларини лойиҳалаш ва режалаштириш амалиёти	170
Раҳмонов Д.Н., Увраймов С.Т. (Тошкент, ЎзМУ). Тарихий картографик асарларни замонавий ГИС технологиялари ёрдамида қайта ўрганиш ҳақида	173
Миракмалов М.Т., Абдуллаева Д.Н. (Тошкент, ЎзМУ, Тошкент ВХТХҚТВАМОИ). Самарқанд вилояти топонимларининг табиий географик хусусиятлари	174
Авезов С. (Ургенч, УргенчДУ). Ер участкалари, бино ва иншоотларни идентификациялаш тизими ва уларнинг шакллантирилиши	177
Бадалов Ў., Йўлдошев М. (Самарқанд, СамДУ). Китоб туманида рекреация-туристик ресурсларини ривожлантириш масалалари	180
Абдувоҳидов С.Н., Облоқулов А.А. (Самарқанд, СамДУ). “Ўлкашунослик” фанини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш	181
Ҳамитов Н.А, Ғозиев И.Р, Ҳамраев Н., Қорабоев Х., Ҳолмуродов Б., Қудратов И.А. (Тошкент, Техника универ-ти). Обоснование условий применения современных спутниковых позиционных технологий в условиях рудника «Кальмакыр»	184
Бобоев С., Боймуродов Ж. (Самарқанд, СамДАҚИ). Атмосфера ҳавосига чиқинди чиқарадиган манбаларни таҳлилий назорат қилиш ва кўрилган чора тадбирларнинг самарадорлик аҳамияти.....	186
Бобоев С.М., Боймуродов Ж., Бурхонов Х. (Самарқанд, СамДУ, СамДАҚИ). Керамик маҳсулотларни тайёрлашда чангларнинг микдорини аниқлаш	187
Ҳашимов М.А. (Самарқанд, СамДУ). Омонқўтон геотуризмни ривожлантирадиган ва геопарк ташкил этиладиган жой.....	189
Усмонов М.Р., Жумабоев Т.Ж. (Самарқанд СамДУ). Халқаро туризмнинг ривожланиш тенденцияси.....	191
Musayev I.M., Jurayev A. (Toshkent, TIMI). Qishloq xo'jalik kartalarini tuzishda zamonaviy texnologiyadan foydalanish.....	193
Musayev I.M., Soatov Z. (Toshkent, TIMI). Fermer va dehqon xo'jaliklar uchun tezkor, sifatli kartalar yaratish davr talabi	195
Sultanova N.B., Abdurahmonov M.I., Mirtoxirov M.N. (Toshkent, TDPU). “Dunyo okeani, okean suvlari xususiyatlari” modulini o'qitishda “Keys-stadi” texnologiyasidan foydalanish.....	196
Нематов А.Н., Эргашева М.К. (Бухоро, БухДУ). Бухоро вилояти кишлоклар дизайни хусусида.....	198